# Barakat Co., Ltd.







ХОРИЖИЙ ШИРКАТИ

Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини чуқур мамнуният ила

## Янги 1999 йил билан

муборакбод этишдан бахтиёрдир.

Биз кўпмиллатли мамлакатингиз халқини аҳил ва муқаддас бир оилага ўхшатамиз. Шу табаррук оиланинг ҳар бир муваффақиятидан ўзимизда чексиз севинч туямиз. Сизнинг ҳаётингиз ва хонадонингизда ёруғ ва ойдин кунлар қанча кўп бўлса, биз ўзимизни шунчалик бахтиёр ҳис қиламиз.

Ишончимиз комилки, 1999 йил ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир оила ва инсон учун тараққиёт ва ўсиш йили бўлгай.

Биз янги йил ҳар бир хонадонга олам-олам бахт, севинч, муҳаббат, осойишталик ва сиҳатлик олиб киришини тилаймиз ҳамда келажакда ҳам сиз билан бирга бўламиз, деб умид қиламиз.

Ҳар бирингизнинг рўзғорингизга, умрингизга ва касбу корингизга барака берсин. Оилангиз эса буюк Амир Темур қурғони каби мустаҳкам бўлсин. Илоё, Ватанингизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин.

**Янги йилингиз муборак бўлсин!**

# Barakat-ALFA

**Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси жамоаси**

ўзбек халқини

## Янги 1999 йил билан

кутлаш шарафига муяссар бўлганлигидан

ўз мамнунлигини изҳор этади.

Биз Сиз учун энг қийин давр ортда қолганига аминмиз. Кириб келаётган Янги 1999 йил эса меҳнатсевар халқингиз, гўзал Ватанингиз учун чексиз зафарлар келтиришига ишонамиз.

Қадрли қардошлар!

Барчангизни Янги йил билан муборакбод этар эканмиз, оилавий бахт, мустаҳкам соғлик, Ватан тараққиёти йўлидаги ишларингизга равнақ тилаймиз. Бахт-саодат ва толе ҳамиша Сизларга ёр бўлсин. Тинчлик ва барқарорлик қадим ўзбек тупроғини асло тарк этмасин. Барча эзгу тилак ва истакларингизни амалга ошишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин. Янги йил хонадонингизга туганмас шодлик ва файзу барака келтирсин!






**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**

## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!



Ўзбекистон-Туркия қўшма банки —
«ЎТ-банк» жамоаси



Поёнига етиб бораётган 1998 йил мустақил Ўзбекистон ҳаётида ўчмас из қолдирди, дея бемалол айтиш мумкин. Тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимлаётган республика ҳаётида ана шу бир йил давомида иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда кўплаб тарихий воқеалар содир бўлди. Бир сўз билан айтганда, озод Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори янада юксалди. Шу маънода,1998 йил мамлакатнинг шонли тарихи солномасига зарҳал ҳарфлар ила битилиши шак-шубҳасиздир.

Бугун биз эзгу ниятлар, ойдин орзулар билан янги даврга юзланиб турибмиз. Инсоният ҳаётининг учинчи минг йиллиги муқаддимаси XXI асрга жуда қисқа фурсат қолди. Демак,кириб келаётган 1999 – ушбу асримизнинг энг сўнгги йилида бутун дунё халқлари сингари биз ҳам янги даврни ёруғ юз билан қаршилаш тадоригини кўрамиз. Таъбир жоиз бўлса, 1999 йилнинг ҳар бир куни барчамизнинг кўнгилларимизда абадий муҳрланиб қолажак. Ўзбекистон-Туркия қўшма банки – "ЎТ-банк" жамоаси фурсатдан фойдаланиб, бутун республика халқини кириб келаётган янги 1999 йил муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этади.



Янги йилда уларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, яратувчилик
меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.
Ҳамманинг оиласидан қут-барака аримасин.
Мустақил Ўзбекистон равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларида
Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!
Янги йилда ҳам бахт-саодат, эзгулик тимсоли бўлмиш афсонавий
Ҳумо қуши Ўзбекистон осмонида магрур парвоз қилаверсин!



Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.
Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19.Факс: (3712) 77-34-08, 40-63-62.
Телекс: 116623 UTB RU.

LL@1249



КАФОЛАТ

## "КАФОЛАТ"
## ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон халқини ва ўз мижозларини кириб
келаётган, азиз аёлларимиз йили
деб, эълон қилинган

**Янги 1999 йил билан**

самимий табриклайди !
Ҳар бирингизга бир олам қувонч, бахт,
орзуларингиз ушалишини тилайди.
Янги йилда бизнинг мижозимиз
бўлишингиздан мамнун
бўламиз.



LL@1260



## MOTOROLA

*Bizning imkoniyatlarimiz cheksiz™*

***"Motorola" kompaniyasi***
***Sizni kirib kelayotgan yangi 1999 yil***
***bilan tabriklaydi ! Sizning oilangiz***
***va yaqinlaringizga tinchlik,***
***baxt-saodat, sihat-salomatlik***
***va farovonlik tilaydi !***
***Sizning mehmondo'st va serquyosh***
***Respublikangiz gullab-yashnashi va***
***barqarorligiga tilakdoshmiz !***



1290

## "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ

АББ Луммус Глобал (АҚШ) бошчилигидаги хорижий фирмалар Консорциуми билан биргаликда барпо этилаётган полиэтилен ишлаб чиқарувчи Шўртан газкимё мажмуида ишлаш учун мутахассисларни қайта тайёрлов курсига қуйидаги мутахассисликларга танлов асосида

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- Муҳандис-кимёгар-технолог;
- Нефть ва газни қайта ишлаш бўйича муҳандис-технолог;
- Кимёвий ва нефтни қайта ишловчи ишлаб чиқариш бўйича муҳандис-механиклар;
- Кимёгар-аналитик;
- Кимёвий анализ лаборанти;
- Кимёвий технология ва нефть-газни қайта ишлаш бўйича техник-технолог;
- Ўлчов ускуналари бўйича мутахассислар;
- Энергоресурслар билан таъминлаш бўйича мутахассислар;
- Технологик қурилмаларнинг операторлари.

Суҳбатдан ўтган шахслар ишга қабул қилинади ва улар учун Чирчиқ малакс ошириш институти ёки Қарши муҳандис-иқтисодчилик институтларида бир йиллик махсус курслар ташкил этилади. Якунловчи тест синовидан муваффақиятли ўтган шахслар хорижий мамлакатлардаги турдош корхоналарга тажриба орттиришга юбориладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар турар-жой билан таъминланади.



**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
Тошкент шаҳрида 136-27-08; 132-05-27.
Фарғона шаҳрида 27-28-09.
Бухоро шаҳрида 223-23-05; 223-96-34.
Қарши шаҳрида 4-49-38; 4-52-91 (коммутатор).

LL@1267

SAMSUNG

## «Ўз-Самсунг Электроникс» ҚК

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини Янги 1999 йил билан муборакбод этади.
Янги йил ҳар бир хонадонга Тинчлик ва Бахт, Муҳаббат ва фаровонлик олиб кирсин!

UZ-Samsung Electronics

LL@1296

## "КАМАЛАК-ТВ" ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

KTV Kamalak-TV

Ўзбекистон Республикаси халқи ва меҳмонларини
**Янги 1999 йил билан**
табриклайди!

Сизларга улкан бахт, мустаҳкам соғлик, бунёдкорлик, меҳнатингизда ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар, орзуларингиз ушалишини тилаймиз.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин азиз биродарлар!

TURON 067 LINK
СЛУЖБА ПЕРСОНАЛЬНОГО РАДИОВЫЗОВА

"КАМАЛАК-ТВ" қўшма корхонаси.

LL@1294

## ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига Янги йилда тинчлик, бахт, фаровонлик тилаймиз!

Биз билан ҳамкорлик қилаётган ташкилотлар, эксперт қўмиталари ва танловларимиз голибларига янги 1999 йилда энг эзгу тилаклар ва самимий қутловлар изҳор этамиз.

®/1288


Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!
“Ўздунробита” қўшма корхонаси
Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ва
меҳмонларини бу ажойиб ва сеҳрларга
тўлиқ байрам билан қутлайди.
Янги йилда Сизга бахт ва омад
ёр бўлсин !
Ҳар бир хонадонга, оилага
тинчлик-тотувлик, фаровонлик
тилаймиз !
UZDUNROBITA
cellular
Телекоммуникация бозоридаги™
барқарор вазият белгиси
© РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО АЗ

1302

# АДОЛАТ МАНЗИЛИ

***Кузатган бўлсангиз, «зангори экран»да янги видеофильм намойиш қилинди. Ушбу фильм бошқаларидан фарқ қилади. Кўтарилган мавзуси, гўзал манзаралар тасвири ва яқин ўтмишдаги ҳамюртларимизнинг аччиқ қисматининг ёрқин тасвири бизни бефарқ қолдирмайди. Зукко китобхонларимиз иқтидорли адибимиз Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романини, ундаги воқеаларни унутмаган бўлсалар керак.***

Асарда бир оила қисмати мисолида бутун бир халқнинг фожеаси очиб берилган. Қаҳрамонларнинг исмларида ҳам рамзийлик бор. Суюн бургутнинг аёли Маржоннинг бошига Қалдирғоч исмли от туфайли кўп кўргуликлар тушади. Қалдирғоч баҳор элчиси, ёруғ кунлар, бахт даракчиси. Отга бундай исм бежиз танланмаган. Шарановскийлар ана шу отга кўз олайтиради. Демакки, ўзбек халқининг бахтига, ёруғ келажагига чанг солади.

«Ўзбектелефильм» студияси суратга олган «Адолат манзили» видеофильмининг ютуғи ҳам ана шу фожеани очиб бера олганида.

Бадиий фильм даражасидаги ушбу асарнинг тақдимотида сўз олган сценарий муаллифи, оқсоқол ёзувчи Одил Ёқубов ушбу фильм ўзига маъқул бўлганини айтди. Асарнинг муаллифга ёқиши, фильмда бош ролларни ижро этган актёрларнинг маҳорати туфайли ҳам амалга ошган деб бaралла айтиш мумкин. Ҳа, ўша «Ўзбеклар иши» деб ном олган ва кўплаб ҳалол кишиларнинг ҳаётини остин-устун қилган, умрига зомин бўлган воқеалар асарда ишонарли тасвирлаб берилган. Кўзланган мақсад, ўша машъум кунлар фожеаси режиссёр Фарҳод Ҳайдаров томонидан катта маҳорат билан очиб берилган. Бегуноҳ, халқ фаровонлиги йўлида фидойи инсонлар бошига солинган кулфатлар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, оператор Акмал Умарбеков, рассом Зокир Исоқовлар бетакрор ўлкамиз тасвирини кўрсатар эканлар, бу гўзал масканларни ўзларининг манфур ҳаракатлари билан топтаган кимсаларнинг асл қиёфаси воқеалар жараёнида фош этилади.

Фильмда бош ролларни ижро этган Юлдуз Ҳамидова, Машраб Кимсанов, Рустам Маъдиев, Борис Шевченколар образларининг ички кечинмалари фикру ўйларини маҳорат билан кино тилига кўчира олган. Инчунун, ўзининг ҳалоллиги билан эл орасида маълум бўлган Суюн Сувонқуловнинг Шарановский томонидан қилмаган ишларини бўйнига олишга мажбурлашлари, қонунга хилоф равишда ўтказган қийноқлари ва лекин букилмас Суюн образи Машраб Кимсанов томонидан катта истеъдод билан ижро этилган. Борис Шевченко яратган Шарановский образида ҳам мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмас инсон бошига ҳар қандай йўллар билан ақл бовар қилмас қийноқлар солиб бўйин эгдириб олишга уринишлар ишонарли чиққан.

Шунингдек, фильмда турли қиёфаларни яратган Рихси Иброҳимова, Улуғбек Муҳаммадкаримов, Турсунбой Мамажоновлар ҳам ўзларига топширилган вазифаларни меъёрига етказиб талқин этганлар.

Адолат манзили, барибир адолатлигича қолади. Унга интилган инсонларни на чалғитиб, на тиз чўктириб бўлади. Терговгуруҳининг қароргоҳи фильм сўнггида шамолда улар тайёрлаган қоғозлар ила чирпирак бўлиб учаётган ҳолда тасвирланар экан, бу билан ҳар қандай бўҳтоннинг, ёвузликнинг умри қисқалигига ишора қилинади. Қувонч шундаки, адолат манзилигача бўлган йўл машаққатлари фильмда томошабоп тарзда, воқеалар изчиллигида экранлаштирилган.

Фильмнинг тақдимот маросимида «Ўзбектелефильм» бош директори Мирзааҳмад Олимов сўнгги пайтларда студияда олиб борилаётган ишлар ва режалар ҳақида сўз юритди. Айни пайтда «Баланд тоғлар остида» уч серияли эртак-фильм суратга олинмоқда. Энг қувонарлиси, студияда ишланган фильмларнинг халқаро фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётганлигидир. «Адолат манзили» Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали намойиш қилинди. Ундан мароқланиш, хулоса чиқариш ҳар бир томошабиннинг ўзига ҳавола.

**Абдураҳмон ЖЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ПАСПОРТИНГИЗНИ ЯНГИЛАДИНГИЗМИ?

***Бундан уч йил илгари, яъни 1995 йил 1 январь куни суверен давлатимиз ҳаётида катта воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биринчи миллий паспорти жорий қилинди. Ўтган вақт мобайнида бу фуқаролик ҳужжатини мамлакатимиз аҳолисининг вояга етган учдан икки қисми олишга муваффақ бўлди.***

# АСОСИЙ ФУҚАРОЛИК ҲУЖЖАТИ

**Амалга оширилган, айни пайтда тарихга айланган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Бадриддин Усмонович ШОРИХСИЕВдан гапириб беришни илтимос қилдик.**

— Республикамиз ўз мустақиллиги ва миллий суверенитетини қўлга киритгач, 1992 йил июль ойида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти эканлиги таъкидланди.

Мазкур қонун асосида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини амалга киритиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳукуматимизнинг бу кўрсатмасини бажариш мақсадида ИИБ томонидан жаҳон тажрибалари асосида паспорт, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Тайёргарлик ишлари ниҳоясига етгач, 1994 йил декабрь ойида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими бўйича Низомни амалга киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга кўра Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 27 декабрда «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортларини, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслар гувоҳномаларини бериш ва алмаштиришни ташкиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ҳукуматимиз томонидан Ички ишлар вазирлигига аҳолини паспорт билан таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва келишни инобатга олган ҳолда, махсус ахборот тармоғини вужудга келтириш, алоқа каналларини ижарага олиш, шунингдек, ички ишлар идоралари паспорт бўлинмаларида жорий этилган қўшимча штатлардаги ходимлар учун маблағ, шу жумладан, валюта маблағи ажратилди.

«Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни ҳаётга жорий этиш бўйича республика комиссияси ташкил этилди. Бундай комиссиялар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳам тузилди. Шу тариқа, 1995 йил 1 январь суверен давлатимиз тарихига, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биринчи миллий паспорти жорий этилган кун сифатида киритилди.

Ўрни келганда паспорт тизимининг сиёсий аҳамияти, хусусан паспорт унинг эгаси тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассам этиш билан бирга фуқаролигини ҳам белгилайдиган расмий ҳужжат эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Миллий паспортимиз собиқ иттифоқ фуқароси паспортидан фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши билан бирга унга жаҳоннинг исталган мамлакатига бориши учун имкон берувчи ҳужжат эканлиги билан фарқланади. У халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) талаблари асосида ишлаб чиқилган ва шу боис 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) тўлдирилади. Ҳар бир фуқаро учун паспортга киритилган махсус код бўлиши кўзда тутилган, шунингдек, паспортга чет элга чиқиш визаси тўғрисида белги қўйилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини паспорт билан таъминлашнинг автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизими жорий этилган. Хусусан, автоматлаштирилган ахборот мажмуасини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва Россия Федерациясининг «Price Waterhouse LVS Sustems B.V.» корпорацияси билан ҳамкорликда шартнома тузилди.

Юқорида қайд этилган ҳужжат асосида паспорт бериш жараёнини компьютерлаштириш режаси уч босқичда ўтказилиши лозим. Шунга кўра, бу жараён республика, вилоят, шаҳар ва туманларда босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Шартномада кўрсатилган қўшимчалар бўйича ҳам қатор амалий ишлар бажарилди. Ҳозирга қадар ҳосил қилинган мураккаб компьютер халқасини мукаммаллаштириш ва туман паспорт хизматлари маълумотларини тезкор равишда республика марказига ажратилган каналларидан юбориш мақсадида алоқа коммуникацияси учун қатор замонавий техникалар олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Price Waterhouse LVS Sustems B.V.» корпорацияси ходимлари томонидан олинган техникаларни монтаж қилиш ишлари охирига етказилди. Республикамизнинг 14 та вилояти учун махсус қурилмалар фойдаланиш учун тайёрланди.

Шартнома бўйича вилоятлардаги «TELEKOM» бирлашмалари ва паспорт бўлимлари ўртасида туман паспорт хизматлари маълумотларини ИИВ ХЧК ва ФБ республика марказидаги асосий компьютерларига 15-20 дақиқа ичида юбориш мумкин бўлади. Ҳозирги кунга келиб марказнинг асосий компьютерларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 3 млн. 234 минг 727 та паспорт маълумотлари сақлаб келинмоқда. 1995-1998 йиллар давомида жами бўлиб 11 млн. 596 минг 721 та фуқароларга паспортлар расмийлаштириб берилди.

Шу билан бирга, паспорт ислоҳотини ўтказишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида тузилган комиссияларнинг ҳаммаси ҳам ушбу сиёсий-ижтимоий тадбирни амалга оширишда жонбозлик билан ишлаётганлари йўқ. Бунинг оқибатида айрим шаҳар ва туманларда фуқароларга паспорт бериш ва алмаштириш тадбирлари фақат ички ишлар идоралари зиммасига юклатилиб, уларга амалий ёрдам берилмаяпти. Жойлардаги мутасадди идоралар раҳбарларининг эътиборсизликлари оқибатида фуқаролар республикамизнинг марказий идораларига аризалар билан мурожаат қилмоқдалар. Хусусан, Жиззах вилоятининг Фориш тумани «Оқ тол» қишлоғида истиқомат қилувчи кам таъминланган О. Раҳимова икки йил давомида туман ҳокимиятига мурожаат қилганлиги, аммо шу вақт мобайнида ўзи ва оила аъзолари паспорт ололмай юрганларини, паспорт олиш учун пули йўқлигини маълум қилиб, ушбу масала бўйича ёрдам беришликни сўраган. Ички ишлар вазирлигининг аралашувидан кейин ушбу масала ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги Фармонига мувофиқ паспорт ислоҳоти 2000 йил 1 январгача туталланиши кўзда тутилган ва бу борада ички ишлар идоралари ходимлари зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан ижро этадилар, деб ҳурматли ватандошларимизни ишонтирамиз.

**Исмоил МИНАВАРОВ**
**суҳбатлашди.**

## ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ СИЙМОСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси миллатимиз озодлиги учун курашчи Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб унинг ҳақиқий сиймосини яратиш учун кўрик-танлов эълон қилган эди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб профессионал ва ҳаваскор рассомлар ўз асарлари билан қатнашди. Халқ қаҳрамони сиймосини яратиш устида узоқ йиллардан бери тинимсиз изланишда бўлиб келаётган рангтасвирчи рассом Тўра Куриёзовнинг “Жалолиддин Мангуберди” портрети улар орасида энг яхшиси деб эътироф этилди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 29 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 66,84 |
| 1 Австрия шиллинги | 9,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 184,18 |
| 10 Бельгия франки | 31,81 |
| 1 Голландия гульдени | 58,00 |
| 10 Греция драхмаси | 3,90 |
| 1 Дания кронаси | 17,18 |
| 1 БАА дирхами | 29,95 |
| 1 АҚШ доллари | 110,00 |
| 1 Миср фунти | 32,33 |
| 10 Испания песети | 7,68 |
| 100 Италия лираси | 6,60 |
| 1 Канада доллари | 71,03 |
| 1 Хитой юани | 13,29 |
| 1 Малайзия ринггити | 28,95 |
| 1 Германия маркаси | 65,36 |
| 1 Польша злотийси | 31,63 |
| 1 СДР | 154,46 |
| 1000 Туркия лираси | 0,35 |
| 1 Финляндия маркаси | 21,50 |
| 1 Франция франки | 19,49 |
| 1 Швейцария франки | 80,15 |
| 1 ЭКЮ | 128,37 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,91 |
| 10 Япония иенаси | 9,42 |
| 1000 Россия рубли | 5,65 |
| 1 Украина гривнаси | 32,10 |
| 1000 Беларусь рубли | 1,04 |
| 1 Латвия лати | 190,64 |
| 1 Литва лити | 27,50 |
| 1 Молдова лейи | 13,19 |
| 1 Қирғизистон соми | 3,74 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*




МУҲТАРАМ ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИ!

«Ал - Машриқ» фирмаси
сизни кириб келаётган Янги 1999 йил билан
чин кўнгилдан қутлайди!

**Хонадонингизга Тангри таолонинг раҳмати ҳамиша ёғилиб тураверсин, доимо дилингиз ёруғ, хотиржам, бахт-саодат ва омад умрбод ҳамроҳингиз бўлсин.**

Қариндош ва дўст-ёрларингизга янги йил совғалари харид қилиш учун Ғафур Ғулом кўчасидаги «Ал-Машриқ» супермаркетига марҳамат қилинг (тел.: 144-28-20).

Кидираганингизни топасиз!

Турмушингиз жаннатга айланади!

Vasket 1295

ДИҚҚАТ!
ЮҚОРИ БОСИМЛИ АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ!

*Сизнинг туманингиз ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик қимматбаҳо иншоот — асосий газ қувури трассаси ўтади.*

*Газ қувури — портлаш ва ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи юксак хавф-хатар манбаидир. Муҳофаза минтақасида ишларни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.*

*Газ қувуридан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун СНиП 2.05.06-85 га мувофиқ қуйидагича хавф-хатар ҳудудлари белгиланган:*

*- кам олтингугуртли газли газ қувурлари: Муборак-Навоий, Шўртан - Сирдарё ГРЭС - Янги Ангрен ва Тошкент ГРЭСлари учун газ қувурларининг ҳар иккала томонидан 500 метрдан;*

*- бошқа газ қувурлари учун — газ қувурларининг ҳар иккала томонидан 250 метрдан.*

*Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зиён кўрилишининг олдини олиш учун газ қувурларининг хавф-хатар ҳудудида:*

*- бирон-бир иморатлар қуриш, дала шийпонлари, хирмонлар, ёқилғи қуйиш шохобчаларини ташкил этиш;*

*- моллар учун сувлоқлар ва қўраларни барпо этиш;*

*- силос бостирилган ўралар қазиш, пичан ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш майдончаларини ташкил қилиш;*

*- қум-шағал ва бошқа карьерларни барпо қилиш;*

*- ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш*

ҚАТЪИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ!

*Асосий газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтадиган жойларда улар яқинида йўллар қуриш, кабель, сув қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ва юзасидаги коммуникацияларни ўтказиш «Ўзбектрансгаз» асосий газ қувурлари бошқармаси (Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31 «а»-уй. Телефон: 56-38-07) билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан берилган техникавий шартларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.*

*Асосий газ қувурлари яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!*




«ЎЗТРАНСГАЗ» ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Наманган вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шарифжон Эргашевга отаси

**Тўланбой ота ЭРГАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси ўқув адабиётлар нашрини режалаштириш, нашр ва таъминот бўлими бошлиғи Сапарбой Бобожоновга отаси

**Отабой ота БОБОЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. НОРҚОБИЛ. Навбатчи — А. МАДАТОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.40*
1 2 3 4 5 6